

Туркистонда илмий-адабий уйғонишнинг бошланишига йигирма беш йил тўлиб ўтди. Бу муддатнинг ўктабр инкилобигача бўлгон даврида хар бир шаҳарда янги мактаблар, баъзи жойларда жамияти хайрия ва кутубхоналар очидди. Турли мактаб ва мутолаа китоблари ёзилиб босилди.

1901нчи йилдан эътиборан Кўкон ва Тошкандда, 1903нчи йилда Самаркандда янги мактаблар очила бошлади. Бу мактаблар Туркистоннинг катгарак шаҳарларида сон жихатидан (таклидий суратда) бир даража кўпайган бўлса ҳам, 4-5 йилдан кейин яна камайиб, фақат баъзи тузуклари давом этди. Бунинг бир сабаби китобсизлик бўлса, бошқа сабаби ўқитгувчиларнинг усули таълимдан хабарсизликлари эди. Аввалги йилларда баъзи муаллимлар ўз мактабларига тоторча китобларни киритишга ва бир қисмлари туркча-тоторча асарлардан таржима йўли билан фойдаланиб болаларни ўқутишга мажбур бўлдилар. Хатто, баъзи мактаблар муаллимлари китоб йўқдигидан ўз шогирдларига «Чор китоб», «Мантик ут-тайр», «Хўжа Хофиз» ва Навоийдек эски китобларни ўқутиб юрдилар. Усули жаҳид мактаблари шу ҳол билан 5-6 йил давом қилгондан кейин янги ўзбекча китобларни кўра бошлади. Шунинг билан баробар мактабларнинг адади ҳам яна кўпая берди.

Мен бу мақоламда уйғониш давримизнинг бошидан бу кунгача чиққан ўзбекча алифболарнинг тарихидан ва уларнинг хизматларидан ёзмакчи бўламан.

## 1. «Устоди аввал»

Туркистонда бошлаб чиққан ўзбекча алифбо тошкентлик Сайидрасулхўжанинг 1900нчи йилда ёзиб бостиргон «Устоди аввал» исмли рисоласидир. Бу алифбо русский-туземний мактаблар учун тузилган бўлса ҳам, баъзи муаллимлар китоб йўқдигидан шуни вақтинча ўз мактабларига киритдилар. Лекин кўп вақт ўтмади. Бу алифбо тўғрисида жанжал чиқди. Козонли Аҳмадходи Максудий: «Меним «Муаллими аввал» исмли алифбомдан ўғурлагон», — деб Сайидрасулхўжани судга тортиди. Бу киши эса дарров алифбосининг қолгон нусхаларини териб олиб уни қайтадан ўзгартиб бостирди. Суд бир неча мартаба мудофаа учун вақт белгилаб Аҳмадходини чакиргон бўлса-да, у келмагани учун мудофаа кечикиб қолиб, охири Сайидрасулхўжа жавобгарликдан қутулди. Олгон маълумотимизга кўра, «Устоди аввал» алифбоси ўктабр инкилобигача ўн етти катла босилгон.

## 2. «Адиби аввал»

1901нчи йилларда Тошкантда Мунавваркори томонидан «Адиби аввал» отли алифбо ёзилгон бўлса-да, бунинг биринчи босмаси 1907нчи йилда чикди. Бу алифбо Туркистондаги усули жаид мактабларининг кўписи томонидан (баъзи русский-туземний мактабларга хам) кабул килиниб, дарс жадвалига киргизилганлиги учун ўктабр

инкилобигача тузатилиб ўн дафъа босидди. Сўнгги босмалари расмли бўлиб чикди.

## 3. «Биринчи муаллим»

Бу алифбо 1912нчи йидда Абдулла Авлоний томонидан ёзилиб, Тошкантда «Мактаб» кутубхонасининг харжи билан босилди. Ўктабр ўзгаришигача 4-5 катла босилиб чикди.

## 4. «Савод»

Бу алифбонинг ёзгувчиси бир неча йил Хивада муаллим бўлгон Мухтор Бакирдир. Алифбо ўзбекча-тоторча-туркманча аралаш шевада ёзилиб, 1913нчи йилда Козонда босилгон. Бу факат Туркменистон мактабларида ўкутилгон бўлса керак. 2нчи босмасини кўрмадик.

## 5. «Таълими аввал»

Бунинг ёзиб босдиргувчиси Тошкантда Рустамбек Юсуф ўглидир. Бу алифбонинг факат 1914нчи йилда чиккон 2нчи босмасини кўрдик. Бунинг биринчи босмаси тахминан 12нчи йилларда чиккон бўлса керак.

## 6. «Туркий алифбо»

Туркистонда уйғониш даврида чиккон алифболарнинг яхшироқларидан бири шу «Туркий алифбо»дир. Бу алифбо 1916нчи йилда муаллим Мухаммаджон Абдулхолик ўгли томонидан ёзилиб, Кўконда «Гайрат» кутубхонасининг масорифи билан босидди. Алифбо расмидир. Бунинг ҳам иккинчи босмасини кўрмадик.

## 7. «Бириичи йил»

Бу алифбонинг тузгувчиси Самаркандда Сайидризо Ализода бўлиб, ношири «Зарафшон» кутубхонасидир. 96 бетдан иборат бўлгон бу алифбо 1917нчи йилда фақат бир марта босилгон.

## 8. «Мифтох ул-алифбо», 9. «Мифтох ул-аввал», 10. «Тасхили алифбо»

12 - 14нчи йиллар ораларида Фарғонада босилиб чиккан бу уч хил алифбони эшитган бўлсак ҳам кўрмадик. Булардан биринчисининг мураттиби Мирза Хайрулладир. Охиргисини Абдулваххоб Ибодий ёзгон.

Туркистонда ўктабр инкилобигача чиккан ўзбекча алифболар шудир. Булардан кўписи бир-бирига таклид килиб ёзилгон. Бир оз тузукраклари «Адиби аввал», «Туркий алифбо» ва «Биринчи йил» рисолаларидир.

Ўктабр инкилобидан кейин чиккан алифболар:

## 11. «Рахбари аввал»

Бу алифбо 1918нчи йилда Тошкандда фақат бир марта-ба босилди. Тузгувчиси М. Фахриддин, ношири «Хуррият» кутубхонасидир.

## 12. «Ўрток»

Самаркандда 18нчи йилда маориф мудирлари бўлиб тургон Чеча Вичкиннинг ва мусташирик Вияткиннинг калами билан ёзилгон бу алифбо йигирма минг дона босилгон бўлса ҳам, мактабларимиз ундан бир пуллик фойда кўролмади. Чунки бу рисола танкидга арзитайтургон даражада бузук ва тартибсиз ёзилгон эди.

## 13. «Совга»

Шокиржон Рахимий томонидан тузилиб, 1919нчи йилда Туркистон жумхуриятининг маориф комиссарлиги харжи билан босилгон бу расмий алифбо хар бир дафъа босилишида тузатилиб, бу кунларда 5нчи катла босилиб чиқди.

## 14. «Катталарга ўқуш»

1920нчи йилда «Давлат нашриёти» томонидан кўб микдорда босилгон бу алифбонинг мураттиблари: М. Кодирий, И. Мўъминий ва Ш. Исмоилий ўртоклардир. Бу алифбо биринчи дафъа Амрико усулида ёзилгонлиги учун бундай усуддан хабарсиз муаллимларимиз ундан керагича фойдалана олмадилар. Ўкутишга кийналдилар. Шунинг учун бу тўғридаги канча меҳнат ва масорифлар бўшга кетди.

## 15. «Тил очгич»

Бу расмий алифбонинг мураттиби муаллим Хасанали, ношири Бухоро маориф назоратидир. Рисола 1922нчи йилда беш минг дона босилди.

## 16. «Ўзбек алифбоси»

Шокиржон Рахимий томонидан ёзилгон бу расмли алифбо «Давлат нашриёти» тарафидан 1922нчи йилда факат бир мартаба 25 минг дона босилди.

## 17. «Катталар йўлдоши»

Саводсиз катта кишилар учун 24нчи йилда «марказ саводсизликни битирув фавкулдда комиссияси» томонидан 15 минг дона босилгон бу алифбонинг тузгувчиси Шокиржон Рахимийдир. «Катталар йўлдоши» икки йил ичида тузатилиб, тўрт дафъа босилиб чикди.

## 18. «Ўкутгувчи»

Катталар учун Амрико усулида ёзилгон бу расмли алифбони(нг) тузгувчилари Хожи Муин билан И. Рахматуллазода, ношири «Саводсизликни йўкотиш фавкулдда комиссия» дир. Бу алифбо 25нчи йил охирларида биринчи дафъа 45 минг дона босилди. Рисола эскирак хуруф билан босилгон, матбаа хатоси хам оз эмас.

Мана, 25 йил ичида босилиб чиккан алифболаримиз (маним билганимча) шулардан иборатдир. Шу муддатда Туркистонда босилгон форсча-тожикча алифболарни келгуси маколада ёзармиз.

*«Маориф ва ўкутгувчи» журнали, 1926 йил, 2-сон*